

КОМИЛ ФАРЗАНДЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК!

Одамзод дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғ-бон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Аллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарсга билан қийслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки Яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир.

Ислом КАРИМОВ



Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Ибн Сино мавзеида Ориповлар хонадони энг ибратли оилалардан саналади. Тўйчи ака ва Доноҳон опа аҳиллигу иноқлик билан бошқараётган бу оилада икки қиз ва уч ўғил вояга етаяпти. Тўйчи Орипов темирчилик қилади, Доноҳон эса оддий уй бекаси. Улар фарзандларини келажакда комил инсонлар бўлиб етишишини чин дилдан исташади. Шу сабабдан оилада фарзандларнинг пухта билим эгаллаши, одобли-ахлоқли бўлиб ўсиши учун соғлом муҳит барқарор этилган.

Миробид МИРСОДИҚОВ туширган сурат.

ЎШУ
СОҶДА

ФАТВО

2

РИЁКОРЛИККА
ЎРИН ЙЎҚ

3

ДУНЁДА
БОР ЭКАН
МУҲАББАТ...

4

МАРОҚЛИ
САЁҲАТ

5

ОҚ ИЛОН —
ОЗОДЛИК

6

ДАДАЖОНИМ
МЕҲРИГА
ЗОРМАН...

7

АДОЛАТ ТАРОЗИ БЎЛСИН!

Куни кеча Самарқанд вилояти халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мамлакатимиз президенти Исро Абдуғаниевич Каримов нутқ сузлади.

МАН-МАН ДЕМАНГ, БЕКАЛИК ҚИЛИНГ

Дунёда ишончининг дарз кетишидан оғир ҳолат йук. Мен Президентимизнинг сессияда сузлаган нутқларидан энг аввало ана шу қийин ҳолатни ҳис этдим. Кечадан буйи эшитганларимни тасдиқлаётган юрагимдан ўтказибтирман. Президентимиз: «Нима учун оммавий ахборот воситалари бу қадар суст ҳаракат қилади? Ахир, ҳамма қонунбузарликлар сизларнинг куз унгиингизда тул беради. Эски шаҳарнинг аҳолиси уйларида таъмирлаш учун битта тахта ва ёгон учун қийнаётганда шаҳарнинг бошқа бир тарафидида қалъалар қад қутарса... Сиз қаерга қарайсиз? Нега кузларингиз фақат ютқуларни куради? Нега халқининг, миллатнинг тили, овозига айланмайсиз? Сизга берилган ҳақ-хуқуқлардан тула фойдаланмайсиз?» тарзидида гаплар билан биз журналистлардан гина қилдилар. Тўғри, ҳар қандай зурлик оқиллик олдиди кучади. Қўрқоқлар куп ҳолатда иллатлар учрийд. Жамиятдаги порахуриликлар, баъзи бир мансаб эгаларининг нописандиликларидида бизнинг ҳуқуқсизлигимизнинг ҳам тасдиқи катта. Масалан мен ўзим қўриб билиб турган бирорта қингир ишда мансаб эгасини фот қилмоқчи бўлсам минг бир андишага бораман. «Унинг қўлида амали бўлса, пули бўлса, катта-катта ишларда ўтирган яқинлари бўлса, бир пасда шунча елиб-юғриб топан бўйримдан айрилиб қолшим ҳеч гап эмас, балки ишимдан айриларман, балки бола-чақамга ёмон бўлар» деб иккиланавераман.

Охир-оқибатда ўзим билан ўзим кураша-кураша «э, сен нимани ўзгартардинг? Яхшиши, ўзинг ҳалол яшасанг ҳам катта гап» деб таслим бўламан.

Президентимизнинг нутқларидан сўнг бундай уй-хавфларим олдиди хижолат тортидим. Балки, бошқа ҳамкасбларим ҳам шундай қайфиятни бошларидан кечиришгандир. Яна менга йулбошимизнинг «Бўлак қайфиятдаги, тоза, чинакам ватаним, миллатим дейдиган сиёсий бир куч ташкил қилишимиз керак» деган фикрлари жуда маъқул тушди. Мен агар шундай ҳаракат бошланса жон-жон деб қўшилган бўлардим. Миллатни кутаришга, юртимизнинг қадим-қадим шон-шавкатини тиклашга фақат сузда эмас, амалда интиладиган шундай иниларим, сингилларим ёнида ўзимни аямай фаолият курсатган бўлардим.

Қутлибека, журналист

РАҲБАРЛИК — ИМКОН

Мен ҳам ўз ўрнида раҳбарман. Туманимдаги хотин-қизларга етакчилик қиламан. Исро Абдуғаниевичнинг сессияда раҳбар кадрлар ҳақида айтган гапларини илос билан эшитдим. Ҳақиқатан ҳам эл ишониб сайлаган раҳбар вайдон билан ишламаса, ўзи билан халқ орасида девор тикласа, одамларнинг арз-ҳолини эшитмаса, бундай жамиятда ҳуқуқматта ишонч йўқола бошлайди. Ҳар бир раҳбар ўзини оддий одам деб эмас, ҳуқуқматнинг вакилидай ҳисоблаши керак. У ҳақидаги фикрлар минг бир ришталар билан ҳуқуқматта бориб боғланади. Шунинг учун биз раҳбарларнинг ўз қобилиятини ўрнатилиши, кўнгил майларига берилишимиз мутлақо ахшиликка олиб бормайди. Биз ҳар биримиз вайдонимизни қўзғатувчи қилиб яшашимиз керак. Ҳар кун кечкурун ўзимизга «Менга нима учун ишонч билдиришган эди? Бугун шу ишонччи оқладим-ми? Шу халқ бўлмаса ўзи мен кимман? Ким мени бу

Шу куннинг нафаси

обруга қутарган?» дея тафтиш қилишимиз керак. Самарқанд вилоятидаги бир гуруҳ амалдорларнинг уйла-масдан қилган ишлари ва Президентимизнинг уларга берган одилона баҳоси ҳаммамизга сабоқ бўлиши шарт.

Хонимжон РАҲАБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Амударё тумани ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар қўмитаси раиси.

ЭЎ БЎЛМАСА, АДАШАМИЗ

Сессияда юртбошимиз ёшлар ҳақида куп гапирдилар. Улар бизнинг қанотли умидимиз ёшлар, дедилар. Мен мактабда ўқитувчиман. Болаларга биз ҳар қанча адолат, ҳақиқат ҳақида гапирмайлик, улар ҳаётда ҳақиқатнинг эгиллаётганини, адолатнинг дарз кетаётганини қўриб турибдилар. Одамлар фарзандларини ҳуқуқшуносликка, шу эл-юртнинг адолат билан ҳимоя қилин деб эмас, балки туқ, тили узун яшасин деб беришарди. Молия, банк соҳасида ўқитмоқчи бўлганлар ҳам купроқ моддий жиҳатини уйлалдилар. Бизни бу қайфият жуда қаттиқ ташвишга солади. Ҳаётда чинакамга адолат ўрнатилмас экан, эиёнинг, маърифатнинг қадри кутарилмас экан, сессияда тилга олинган иллатлар илдири билан қўриб кетмайди. Маориф соҳасида бўлгангн илсоҳотларни ана ҳам тезлаштириш керак. Маорифга ақратилган маблағ жойларга тулиқ етиб билишни таъминлашни шарт. Ҳеч бўлмаса шу соҳадан пора, сохтагарчилик, иккиюзламачилик йироқ бўлса эди, жамиятимиз тезроқ покланарди. Ҳар ҳолда биз маорифчилар бутун жон-хаҳдимиз билан шуни истаимиз.

Момоҳол ЭЛМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани,
муаллима.

ТҮЙ, МАРОСИМ ВА МАЪРАКАЛАРНИ МЕЪЁРИДА ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА ФАТВО

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Барча ақли расо, идрокли кишиларга маълум ва маъруфдир-ким, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, муътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаъран қоралиниб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Қуръони каримда:
«Қариндошинг ҳаққини адо эт, мискин бечоралар, йулловчи-мусофирларга ҳам (муруват курсат). Лекин сира исроф этма, зеро исроф қилувчилар шайтоннинг «биродарлари»дир! — дейилади. («Исо» сураси, 26-оят).

Демак, силаи раҳм, хайр-эхсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёридан ташқари ҳаражат қилиш, исрофгарчиликка йул қуйиш Аллоҳ томонидан ҳам ман этилган.

Яна мақзур суранинг 29-оятда шундай дейилади: «Кулингни буйингга боглаб олма, яъни ута хасис бўлма, кулингни кенг ёзиб ҳам юборма, яъни саҳийликиннг меъёридан ошириб ҳам юборма! Акс ҳолда маломат ва таъналарга қолиб пушаймон қилурсан».

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: «Аллоҳнинг аз-заъимларидан хоҳлаганча ёб-ичинглр, хайр-эхсон қилинглр, қийиниб ясанинглр, лекин исрофгарчилик ва манманликка йул қуймангизлар!» (Имом Аҳмад, Насий, Ибн Мож-жа ривоятлари).

Яна бир бошқа ҳадиси шарифда:
«Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам муътадиллик яхшидир», — дейилади.

Тежамкорлик тўғрисидаги ҳадиси шарифда эса:
«Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик қурмайди» — деб таъкидланади.

Хайр-эхсон ва зифат беришдан асосий мақсад мутоҳларга моддий ёрдам курсатиш бўлмоғи

даркорлиги тўғрисида Расули Ак-рам (с.а.в.) шундай деганлар:

«Таомларнинг ёмони қорни очлар қолиб, қорни туқлар қақирилган зиёфатдир».

Юқорида зикр этилган ояти карималар ва ҳадиси шарифлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда кейинги пайтларда дйфримизнинг куп жойларида туй, маросим ва маъракаларда ортиқча исрофгарчилик, риёкорлик, шухратпарастлик, миллий анъаналар ва маросимларга доир диний курсатмаларни менси-маслик ҳоллари авжига чиқаётганини эътиборга олиб Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти қуйидаги фатвони қабул қилди:

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Олий ҳайъати ва уламолар Кенгаши ушбу долзарб фатвони 1998 йил 28 октябрь кун мухтарам Президентимизнинг шу мавзуга бағишланган махсус фармони билан уйғунлаштирган ҳолда унинг талабларини оғишмай ҳаётга татбиқ этишни дйфримиздаги масжидларнинг барча имом-хатиблари зиммасидаги маъсулиятли бурчи деб ҳисоблайди.

Фатво талаблари:

1. Республикаимиздаги фаолият курсатаятган барча расмий масжидларнинг имом-хатиблари жума намози хутбаларида ва турли маросимларни ўтказиш асосида туйлар, маъракалар ва турли муносабат билан қилинадиган тадбирларда исрофгарчилик, шухратпарастлик, риёкорлик каби иллатларнинг моддий ва маънавий зарарлари, тежамкорлик ва ўртаҳолликиннг фойдалари тўғрисида асосли далиллар ва ҳаётий мисоллар билан кенг ташвиқот ишларини олиб бурсинлар.

2. Маросим ва тадбирларни миллий ва диний нуктаи назардан мувофиқлаштирилган тарзда намунали ўтказиш мақсадида имом-хатиблар маҳалларнинг оқсоқоллари ва фаоллар билан маслаҳатлашган ҳолда ўз тақлиф ва тавсияларини маҳалла ахлига тақдим этсинлар.

3. Бу ишларни амалга оширишда ҳар бир вилоят ва туманларнинг узига хос маҳаллий урф-одатла-

рини инобатга олинсин.

4. Марҳумлар дафнидан кейин одат тусига айланган 7, 20, 40, йил, ҳайит каби маросимларнинг шаърий эмаслиги, балки қадимда кимлардир жорий этган бидъат ишлардан эканлиги тушунтириб борилин.

5. Бу каби катта ҳаражатлар эвазига амалга ошириладиган худойи, маърака-мавридлар урнига марҳумлар руҳини шод этиш учун муҳтож ва ночор оилаларга, етимхона ва қариялар уйига ёки ободончилик ишларига моддий ёрдам курсатишнинг афзаллик жиҳатлари ёритиб берилсин.

6. Купроқ Тошкентда расм бўлган наҳорги ошларнинг турли салбий хусусиятларини эътиборга олиб, уларни ихчамлаштириш ва тушлик пайтига қучириш чоралари маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат ишлаб қичқилсин.

7. Авеллар иштирокида турли туйлолди, туй ва туйдан кейинги дабдаба билан ўтказиладиган тадбирларнинг зарарлилари қисқартирилиб, қолганларини ихчам тарзда ўтказиш масалалари жойлардаги маҳалла ва хотин-қизлар қўмитаси билан келишилган ҳолда ҳал қилинсин.

8. Имом хатиблар ушбу фатво талабларини қандай бажараятганликлари тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасига мунтазам ахборот бериб турсинлар.

9. Диний идора ва фатволарни хайъта татбиқ этишда совуқ-қонлик курсатган, раҳбарлик маъсулиятига лоқайдлик қилаётган имом-хатибларга нисбатан тегишли чоралар қурилиши назарда тутилсин.

Динимиз мусаффолиги, юртимизнинг ободлиги, халқимизнинг моддий ва маънавий фаровонлиги йўлида қилаётган хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи тавфиқ ва иноятлар ато этсин!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
Абдурашид қори
БАҲРОМОВ

1998 йил, 3 ноябр.

Фармон ва ижро

ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ

Одатда «Эр хотиннинг уруши, дока румолининг қуриши», дейдилар. Лекин бу сафар ундай бўлмади. Тўйлоқ туманилик А. Носиров хотини билан «қучилишиб» қолди-ю азбаройи ҳақ «оти»га минганидан уни уриб, ўлдириб қўйди.

Айни пайтда «муштумзур» эр милиция ҳодимлари томонидан «ёзозланмоқда».

ЯГОНА ХАРИДОР

Музрәбод туманилик Р. Аевзов ўзгалар мол-мулкни уғирлаш орқали бойлик орттириш ниятида эди. Шу мақсадда у фуқаро Р. Жунуновнинг хонадонидан 160 минг сўмлик видеотехникани умарди. Ҳозирча қимматбаҳо уғирлик молларига туман ИИБ изқуварлари «харидор» бўлиб туришибди, ҳолос.

«40»-ИП ҚУРБОН

Қайнонасиниқига меҳмонга борган О. Шорамбетов қўқ зифатдан кейин қучини хотини ва қайнонасига курсатди. Ичкилик тасдиқлардан инсонийлик қўбасини унутган қўш уларнинг бикинидан «дарча» очиб қўйди. Сунгра эса жұфтанин ростилади. Тўғри уинга борди. Чамаси қилган жиноятидан қўриб кетди шекилли «40»-инга ўзини осиб, ҳаётдан қўз юмди.

ТУТЗОРДАН ТОПИЛГАН «МУРДА»

Андижон. Бундан бир неча ой муқаддам қўргонтепалук У. Кенжаевнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида гап тарқалган. Қилин қўқ брәдиган туман ИИБ изқуварларининг тиниқсиз изланишлари натижасида «Мамуррәбод» жамоз қўқалиги тутзориди У. Кенжаевнинг эгидиғина қирғетган мурдаси топилиди. Уйбў жиноят «Савай» қишлоғи қўқалиги санавот уошмаси илчиси, муқаддам судланган Т. Эгамбердиев, Г. Қодирова ҳамда унинг қизлари Ҳамиди ва Холиди Қодировлар томонидан содир этилган маълум бўлди.

ПОРАХЎР ДОМЛА

Ҳозир олиёғолларда қишки синов имтиҳонлари пайти. Талабалар таъбири билан айтганда, айрим домларнинг томоғидан биз туғул туя сарғегдек утадиган давр. Бироқ талабалар нонини туя қилишда Тошкент Давлат маданият институти «Иқтисод ва маданият» факультетининг ўқитувчилари Ю. Одилов ва А. Рӯзметовларга теги келадиганлар топилма-са керак. Нафс ҳақалак отган ўқитувчилар Д. Мухаммадов, Д. Ҳабибуллинлардан имтиҳон баҳоларини қўйиб бериш эвазига 150 АҚШ долллардан пора талаб қилишди. Талабалар ҳам мард экан. Домаларга шунча пулни М. Улугбек тумани ички ишлар ҳодимлари тўғхулиғида олиб келиб беришди.

К. ТОШ, М. БЕК

Қ. РАҲИМБОЕВА,
«Саодат» журналі булим мудири

Касал бўлиб даволаниш учун юрак касалликлари пансионатида ётганимда ҳамшира Дилфуза Кузиеваннинг (исми-шарифи узгартирилди) ёрдами жуда катта бўлди. Сўхталарнинг бирида мен унга ўз утмишимни гапириб бердим.

— Сизнинг юрагингиз оғриши сабабини энди билдим — умр йулдошингизнинг ҳиёлати, бева-фолигида экан. Сизга ягона насихатим уни энди қалбидангиздан учуриб ташланг, кўп уйламанг. Шунда юрагингиз оғримайди. Биламан, ҳиёлат инсонни ҳалокатга олиб келади. Сиз эмас у ҳалокатга учрасин.

— Дилфуза, мен уни ҳиёлат қилганига ҳали-ҳали ишонмаяпман.

— Касбингиз борми? — сўради Дилфуза синчковлик билан.

— Ҳа, журналист.

— Журналист? — қайта сўради у гузал кўзларини пирпиратиб.

— Ҳа.

— Унда мен ҳам бошимдан ўтганларни гапириб берсам ёзасизми?

— Майли, зора қуюянгизни тинглаб, сўнг ёзиб овунам, балки улар менга далла бўлар.

— Қайси газетага ёзасиз?

— Ҳозир «Оила ва жамият» газетаси танлов эълон қилган шунга ёзасиз, ёки...

— Узингиз биласиз. Мен эртага тушликдан кейин буш бўламан, келиб гапириб бераман.

— Яъни, унда эрта сизни кутаман.

Эртаси куни Дилфуза ўз утмишини гапириб берди.

Кунларнинг бирида...

Жавоҳир акам билан танишганимизни эслайман. Чунки бутун ҳаётим қуржиги айланган бу танишув. Ушанда биз Баландбоғ қишлоғидан Каттақўрғон шаҳрига кўчиб келгандик. Биз сотиб олган ҳовли Жавоҳир акамларники билан девор-дармиён бўлиб, шундоқ ўртадаги девор ажратиб турарди. Мен ушанда 2-синфда ўқийдиган қизалоқ эдим. Кўчага чиқиб атрофни томоша қилиб, бегона жойни кузатарканман, ҳовлисидан қўлида кўлча нони билан Жавоҳир акам чиқиб қолди. Биз бир-биримизни танимасдик, мен бу боланинг бошидаги қоқилига, кўларидидаги милтиғига қарарканман, у мендан сўради:

— Сила янги кўчиб келийлами?

Мен жавоб қайтармадим-да бош қимирлатиб кўнқолдим.

— Қайдан келийла?

— Билмайман.

— Отинг нима? — сўради у ғўнимга келиб.

— Дилфуза.

— Юр, мен сенга боғимизни кўрсатаман.

Мен унинг орқасидан эргашдим. Йўлнинг у бетида уларнинг кичкина боғлари бор экан. Биз боғ томонга ўтгач. Жавоҳир акам қўлидаги кўлча нондан синдириб узатди. Мен ҳам сўзсиз уни олдим. Ариқ олдида келиб, оқатган сувга нонимизни ботириб ея бошладик. Нонни еб бўлгач ариқнинг нариги қирғоғига, боғ томонга сакраб ўтмоқчи бўлдик. Жавоҳир акам ўзи сакраб ўтгач, мени ҳам шундай сакраб ўтишга ундади. Қиз бола бўлганлигим учунми, қўрққанимданми, ўтолмай мултираб қарадим. У менинг олдимга қайтиб ўтиб, ёрдам бермоқчи бўлди. Иккаламиз бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб сакрадик. Сакраётганда орқада қолиб кетдим, иккаламиз ҳам ариққа йўқилдик. Ариқнинг суви саёз, лекин атрофи балчиқ эди. Ҳамма жойимиз қоп-қора балчиқ

бўлган, на йиғлашни, на қулишни биламиз. У ноҳус ҳодисанинг гуноҳкори мен бўлсамда, Жавоҳир ака мени юпатди. Хурлигим келиб йиғлаб юбордим. У сув билан менинг бетларимдаги лойларни ювди.

— Аянгга айтмайсан-а Дилфуза? — сўради, мени ариқдан чиқарар экан. Мен бош силкидим. — Эртага мен сенга анжир олиб келиб бераман, хўпми? — Индамай кўз қирим билан қарарканман, лой қотиб қолган қўллари билан кўзимдаги ёшни артдим.

— Даданга айтмайсанми? — қўрқиб сўради. — «Йўқ» дея яна бош қимирлатдим. Жавоҳир акам ёш болаларга хос хурсандчилик билан менинг пешонамдан ўтди. Юғуриб ҳовлимизга кириб кетдим. Энди-энди билсам, бизни умрбод боғлаб турган ва муҳаббатимизга замин яратган уша ўғич экан.

Жавоҳир акам билан мактабга бора бошладим. Иккаламиз бир синфга бордик. Ўқитувчилар ҳам қўшни деб бизни битта партага ўтказиб қўйишганди. Гоҳида, мактабга ва мактабдан қайтишгача сумкамни у кутарарди, чунки ёшлигимда жуда ҳам ним-жон ва озғин эдимки, мактаб сумкасини узоққа кўтариб боролмасдим.

Орадан кунлар, ойлар, йиллар бир-бири билан қувалашиб ўта бошлади. Бизнинг болаларча меҳримиз, гўдакларга хос дўстлигимиз муҳаббатга айлана бошлади. Энди биз бир-биримизсиз бир дақиқа ҳалтумроқ бўлмасдик.

Фақат мактабдан уйга қайтгач ажралардик. Ушанда ҳам баъзан Жавоҳир акам, гоҳида мен уларнинг ҳовлиларига китобми ёки бошқа ўқув кўролими, дарснинг темасини сўраш баҳонасидами қирирдим. Бизнинг бир-биримизга меҳр қўйганимиздан ота-онамиз ҳам хабардор эдилар. Ҳақиқатан ҳам бизнинг ўртаимиздаги муносабатларимиз, ҳиссиётларимиз олдида она, ака, опа меҳр-муҳаббати ҳеч гап эмас эди. Шундай дақиқалар бўлардики қайсимиз баҳона билан кирсак, соатлаб қолиб кетардик. Ёлғиз қолганимизда эса биров ҳалақит бермагунча бир-биримизнинг кўзимизга, кўзларимиз толиққунча тикилиб тураверардик. Билмадим, бундай севги-муҳаббат бошқа инсонлар бошидан ўтганим-йўқми...

Чамамда, мактабнинг 7-синфида ўқирдик. Юқори синф болаларидан бери менга гапирганини қуриб қолган Жавоҳир акам, у бола билан урушиб муштлашиб қолди. Улар бир-бирларини муштлаб уришар, атрофдагилар ажратишдан ҳам қўра, томошага кўпроқ берилганди. Қўрққанимдан нима қилишни билмасдим, тўғри, бир тарафдан бу менга ёқарди. Чин маънода қизлар орасида гурурланиб «ҳимоячим бор» деб юришини уйлаб, қизларга хос бўлган қувонч ҳам юрагимнинг бир қатида жойлашганди. Лекин шундай бўлса-да, уларни ажратишим керак, — деган фикр миямга чақмоқдек урилди. Ҳали-ҳали эсласам юрагим орқага тортади: қандай, қайси юрак, қайси вазоҳат билан бордим, эсполмайман. Фақат шахдам қадамлар билан бориб дуппослаётган бо-

лани итариб ташлаб, ерга йиқилган Жавоҳир акамни турғаздим. Унинг юзи қизарган, бурнидан қон оқарди. Куйлаги йиртилган эди. Менга гуноҳкорона бир қараб қўйди-да кўзларини олиб қочди. Сездим, мендан уэр сўрамоқчи. Менинг ҳам шу даамда тилим қалимага келмасди. Унинг ахволига боқар эканман томоғимга бир нима тикилгандек бўлди. Кўзларим аллақачон ёшларга лим-мо-лим тўлган эди. Румолчамни олиб, унинг юзларини, ва оқатган қонни артиб синфдан олиб чиқдим. Бизнинг ҳолатимизни бутун синф, бутун мактаб болалари кузатиб туришарди. Эртаси куни мактаб линейкасида иккала урушқоққа дакии беришди.

Мактабда ҳамма мени Рекха деб қақирарди. Нимага деганда мени ҳинд актрисаси Рекхага ўхшатишарди. Гоҳида, узим ҳам бу ҳолдан ҳайратга тушардим. Бирор бир ортиқча нарса йўқ, уша хусн, уша лаб

«КУНЛАРНИНГ БИРИДА» ТАНЛОВИГА

эртами-кечми барибир шу қадр-дон ҳовлимизга келарканман. Уша кучи кечки овқатга икки оила бодастурхонга ўтириб овқатланиб хайр-хўшлашдик. Лекин биз Жавоҳир акам иккаламиз эса...

Ярим тун. Икки ҳовлида ҳамма ухлаган, фақат биз: Жавоҳир акам билан менинг кўзларим очик. Қалбларимиз айрилиқ азобидан қон йиғларди. Бизнинг ғам-андухларимиз, армонларимизга шерик бўлаётгандек ҳар тун сайрайдиган ртқаларнинг овози эшитилмас, ой ҳам бизни не азобларда тўлғанаётганимизни қуришни истамётгандек ўзини булутлар орасига олганди.

Сўнгги учрашув. Йўқ, йўқ, сўнгги учрашув эмас, мен ундай демоқчи эмасдим.

Асло бу учрашув сўнгиси бўлишини истамасдим. «Неча» йиллардан бери учрашиб юрган бўлсак-да, бу тун, илк бор учрашаётгандек иккимиз ҳам жимгина ҳар доимги жойимизга келдик. Мендан олдин Жавоҳир акам келиб дарахтга суяниб турган экан. Ҳар доим гаплашиш учун мавзу топилган, бугун эса нимани гапиришни билмасдик.

— Қўлингни бер Рекха?! — дедилар дабдурустдан. Ялт этиб у кишининг юзларига қарадим. Айвондаги чироқнинг ғира-шира ёруғида юзларидан ғамгинлик кўришиб турарди. Индамай ерга қарадим-да, узим билмаган ҳолда қўлимни узатдим. Илк бор қўлимни узатишим эди, ушлаганларидан ток ургандек бўлди. Қўлимни қайтариб олмоқчи эдим бўлмади, кўлларим ўзимга бўйсунмасди. Уялиб ерга қарадим.

— Нега қўлингиз иссиқ, иситмангиз борми? — хавотирланиб сўрадилар Жавоҳир акам.

— Йўқ.

— Еки қизларнинг қўли шунақа иссиқ бўладики?

— Жавоҳир ака қўйиб юборинг, — дедим узим истаманган ҳолда. Уртага жимлик чўкди. У киши менга яқинлашдилар-да, мен кутмаган ҳолда бағриларига босдилар. Сочларимни авайлаб, сийпалаб эркалаганларидан ҳавлимда илк бор юз бераётган бу эркалашлар охиригисидек туюларди. Севгимдан, азиз кишимдан айрилиб қолаётгандек пинжиларига баттар тикилдим.

— Нега кетаяпсиз Дилфуза?

— Билмайман.

— Мени ёлғиз қолдириб-а, раҳмингиз келмайдими?

— Сиз-чи? Нега ҳайдаб юбораёпсиз?

Биз дарахтлардик, лекин гапирётган гапларимиз улда-жулда, агар бирон киши эшитганда, булар жинни деб уйлашлари турган гап эди. Ҳақиқатан ҳам телба эди.

— Узингиз-ку кетаяпсиз, мен-чи?

— Сизниям олиб кетаман...

— Йўқ, мен сизни олиб қоламан, сиз меникисиз.

— Синфимизда сизни севинишга тайёр қизлар қанча, мени нима қиласиз?

— Хотин қиламан, у қизлар сиздай чиройли эмас.

— Маъмурчи, Юлдуз, Қизлархончи?

— Сиз узингиз яғонасиз.

— Чинингизми ёки ёлғонингиз?

Дилшод Қўлдошев(

Давоми бор)

ОНА КАБИ САҲОВАТЛИ

Нишон туманидаги Ҳамза номли фермалар уюшмаси раҳбари Эргаш Бегимкулов билан суҳбатлашарканмиз, — кекса пахтакор, меҳнат қаҳрамони Рузи бобо Аҳмедовни танирсиз, — деб сураб қолдилар.

— Таниганда қандоқ, илгари ҳужаликка раҳбар эдилар-да, — дедим.

— Ана шу кишининг икки ўғли ҳам фермер. Узлари эса ҳамон пахта даласини тарк этганлари йўқ. Гоҳо сувчи, гоҳо ишчи бўлиб ишлаб юрибдилар. Ёшлари етмиш бешда, аммо ҳалиям ёш йигитчалик куч-қуввати бор. Шу киши ҳақида ёзмайсизми?

— Бош устига, — дедим мен.

Рузи бобони нақ туш маҳали далада топдик.

— Ун бир ёшли бола эканимда отамиз нон қидириб, Сурхондарё вилоятининг Денов туманига кучиб келиб, бизни ҳам пахта даласига ишга олиб чиқди. Мен гуза ораларини ишлов берадиган ускуна тиркалган ҳукизларни етаклаб юрардим. Бир соатга етар-етмас тушлик вақт оралигида бир қосадан атала, бир парча нонни нари-бери еб, яна ишга чиқардик. Оёқ яланг, бош яланг тонгдан-шомгача катталар қаторида ишлардим. Отамиз: «Ўғилларим пахта усталари бўлишсин, ерга меҳр қўйишса нонлари бутун бўлади», — дердилар. Мен ота ниятига амал қилдим, рostaкамига пахта устаси бўлдим. Йигирма бир ёшимда Меҳнат қаҳрамони бўлдим. Шеробод чулини ушлаштирувчилар қаторидан жой олдим. Ҳужалик тузилиб, мени раҳбарлик лавозимига тайинлашди. Тракторлар қайда дейсиз, от, ҳукиз қушилган мосламалар билан гуза қатор ораларига ишлов берилар, аёл-эркак бараварига ун беш, ун олти соатлаб далада ишлардик.

1977 йили яна Қашқадарёга қайтдик. Мен Ҳамза номли Мақсадухориичилик ҳужалигига раҳбар этиб тайинландим.

Шуни эътироф этиш лозимки мустақиллик туфайли пешонамизга, ортоб, балқиди. Пахта ҳоқимлиги оғирлиги чек қўйилди. Янги уй-жойлар қуриб, машина минадиган замонда яшаймиз. Фақат астойдил ишлаш керак бўлади. Ер, сув мулк эгалларига, яъни тадбиркорларга бўлиб берилди. Бироқ катта-катта маблағни қарзга олиб, уз манфаатларига ишлайдиган фермерлар оз эмас. Мустақил, ҳур ҳаётимиз қадрига етишимиз керак.

Қирк бир ёшимда фарзанд қўрдим. Иккинчи хотинимни беш боласи билан никоҳимга олдим. Ҳозир ун тўрт фарзанд отасиман. Сақизтаси олий маълумотли, пахта устаси қилиб тарбиялаганман. Тўрмуш уртоғим Холбиби Бойтура қиздан мионатдорман. Чунки ҳалол меҳнат эвазига топишган бир парча нонга қаноат қилиб, болаларини яхши тарбиялаган она, уй бекасининг икки дунёси ёруғдир.

— Биласизми, — дейди Рузи бобо завқланиб. — Ерни онага қисласа бўлади. Мендаги истеъдодни, ерга булган меҳрин, бахтни, обрў-эътиборни, пиру-бадавлатлиқни ҳам ана шу дала-дашт, ана шу она замин берди.

Исоқ САТТОРОВ

САВОБ ИШ

«У ҲАМ ЎЗ ТЕНГИНИ ТОПСА...» ДЕСАМ

«Оила ва жамият» — 39-сон)

Муҳайёхон сиз ўзингиз билан бирга ишлайдиган Ҳафизанинг тақдири, уй-кечинмалари, ҳуллас бахтини излаши ҳақида редакцияга ёзиб жуда тўғри иш қилгансиз. Хат ёзиб балора, таъна тошларига қолдим, яхшилик ҳам қилмаслик керак экан-да, деган ҳаёлга борма-нг. Зеро савоб ишни ҳар дақиқа, ҳар биримиз қилишимиз керак. Қани ҳамма ҳам сизга ўхшаб атрофдагиларга меҳр-оқибатли бўлса. Зеро ҳадиси шарифларда ҳам «Уйланинглар, оила қуринглар, узларингдан қўпайинглар», — дейилган.

Охир замон эса қачон бўлади, қачонки, биз бир-биримизга бемехр, беоқибат, лоқайд бўлсақкина. Уша лоқайдлик касали зўрайишидан ҳаммани Оллоҳ асрасин.

Кенжа ўғли



«ШОШГАН МУШУК КЎР ТУҒАР»

«Мен энди нима қилай» мақоласини ҳайрат ва қизиқиш билан ўқиб чикдим.

«Илк севги баҳор осмонидagi булутга ўхшайди. Олпоқ. Покиза... На қўлингиз билан тутасиз, на ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаяққа олиб кетишини ҳам билмайсиз... Биринчи илк севги қўлингиз натижасиз туғашу балки шунданки...» — деб ёзган эди ёзувчи Уткир Ҳошимов.

Бобур, сизнинг илк севгингиз ҳам натижасиз туғаб, яна қайта бошланмоқчи экан. Бобур, менимча,

«Мен энди нима қилай?»
(«Оила ва жамият»
40-сон)

дунёда ҳақиқий, чин севги бор, кимки уни йўқ деса адашади. Лекин бу йўлда ҳато қилсангиз шунчалик қўп азият чекасизки бунини ёзишга қалам ожиз. Шундай экан, бу бозор савдоси эмас, умр савдоси. Қўзингизга қаранг. Етти улчаб бир кесинг. Энди менимча, «Х» ни кечирманг, асло кечирманг. Чунки у бир марта уз севгисига бевафолик

қилдими, бундан кейин ҳам сизга хиёнат қилади. Энди 19 ёшга тулибсиз. Ҳали ҳаммаси олдинда. Шошманг, ахир халқда «шошган мушук қўр туғар» деган нақл бор. Атрофда боқинг, қанчадан-қанча онаси ҳаммаси қизлар бор. Ҳ.нинг севгисига тулуринг, шунини унутмангки йигит бўлсангиз, туфлаган тулпу-гингизни қайта ялаб олманг.

Ҳошим Орзикулов
Самарқанд вилояти,
Мусоқоқ қишлоғи

ТЕНГДОШИМГА ХАТ

Салом менинг тенгдошим!

Менинг ҳам ёшим 40 да. Сизнинг мақолангизни ўқиб сизга хат ёзгим келди. Сизга Оллоҳ қўлларини мансабдор, меҳрибон эр ато этибди-ку, сиз эса бунинг шукрини қилмай, яшаш-қўйишга кирибсиз! Қўлчирик аёлларнинг орзуси булган тулқин-сочинлик, бекаму-қўст рўзгор, бир-биридан ширин фарзандларингиз бор экан, ҳайронман, сизга нима керак? Тўқлиққа шўхлик қилиш биз ўзбек аёлларига ярашмайди. Уғил-қизларингиз катта бўлиб қолгандир, эртаниндин қиз узатиб, келин туширарсиз, агар ушанда сиз қилган ҳунарингизнинг бири қизингиз (худо қўрсатса) тақдорлаша сиз ҳамдаи аҳволга тушасиз? Ушунгиз топармон-тулорман, қўрқам бўлиб хотинини қўлида қўриб юрсангиз, бунинг эвазига хотини савқ юрсангиз! Ёки қизингизни қилмиши очилиб қолса эри, яъни қўвнингиз олдингизга қўч-қурчон билан келтириб ташласа. Худо қўр-

«Икки йўл орасида қолдим»
(«Оила ва жамият»
— 34-сон).

сатмасин, шундай қўнлар бўлмаслигига ҳеч қим қафолат бера олмайди. Ушанда сиз бундай хотинни ўлгингизга бир кун ҳам хотин қилдирмасангиз керак. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Барибир бир кунмас бир кун ёмон гап ҳам, яхши гап ҳам таралиб кетади. Ушанда ҳам келиннингиз тилини бермай, «аввал онангнинг эплаб ол» деб ўлгингиздан баянлаб келса, қўвнингиз «онанг ундок, онанг бундоқ» деб қизингизни қўзини очирмаса, сиз она сифатида бундай қўнларга чидай оласизми? Менинг аччиқ гапларим сизга оғир ботатгандир, лекин ёшлик ўтиб кетади, одам қариганда фарзандларини тинч-тотув яшавганини қўрсин экан.

Менинг эрим сизнинг эрингиздай мансабдор, қўрқам, ундабурон эмас. Рўзгор ташвишлари кўпроқ менинг бўйинида. Ахир учта фарзандини кийинтириш, мактаб анжомлари, борди-келдилар, уй туловлари, рўзгор ташвишлари го-

ҳо жуда эзиб қўяди. Лекин барибир шукр қиламан. Худого шукр фарзандларим бор (тирноққа зорлар қанча) уйим бор (ихарада яшаётганлар-чи?), жигарларим (ҳеч бир яқини дўқлар ҳам қўр) бор. Мен ёшлик пайтида жуда чиройли эдим, ҳатто, бир болам булганда ҳам кетимдан совиқлар келишган. Қайнона келин уларни қўтиб олганми. 25-30 ёшларимда ҳам ишхонамдагилар ва қўчадаги бойвачча, машинали савлатли эркаклар менга қўп тақлиф қилишарди. Эримдан ажралиб улгарга турмушга чиққанини сурашар, хоҳлаган нарсамни муҳайё қиламиз, деб онт ичишар эди. Мен ҳаммасига рад жавобини берганман. Менинг фарзандларимга яхшиям-ёмонини ўз отаси керак. Мен эримга хиёнат қилишни, фарзандларимга, ота-онам руҳига, жигарларимга хиёнат қилиш деб тушунаман.

Хатимдан қандай ҳулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

..... бегим қизи
Тошкент шаҳри

МАРОҚЛИ САЁҲАТ

Юрган дарё

Оила йилида бўлиб ўтган, амалга оширилган шундай ажойиб тадбирлар, воқеалар борки, улар шубҳасиз хотираларда умрбод нурили саҳифа бўлиб қолади.

Яқиндагина Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси, ташкилотчилиги билан бир гуруҳ фол аёлларнинг жаҳон — зебо Самарқанд шаҳрига ююштирилган сафарлари худди ана шундай унутилмас воқеалардан бўлиб қолади.

Биз жамиятимиз тараққиётига тўқсинлик қиладиган, одамларнинг маънавий камолоти-га эмас, маънавий майда-чўдадан ичида ўралашиб, руҳан тор дунёли бўлиб қолишларига сабаб бўладиган урф-одатларга қарши намунали ҳаёт тарзини тарғиб этишимиз керак. Улуғ алломалар тафаккури, қадамлари, нафасларидан мунаввару муқаддас бўлиб келган она Ватанимизнинг қўтлуғ қадамжолари кейинги асрга келиб қадрсизлангани сир эмас. Ҳолбуки, миллатнинг узлигини англаши, қонуний қадр, гуруҳнинг шаклланиши ва барқарор бўлишида бу жойларнинг тарихи, моҳиятини билмоқдиган аҳамияти беқиёс.

... Ажойиб сафар ҳажжони қўзлари, сузалари, юзларида акс этган онахонлар, она-сингиллар тушган автобус субҳи содиқда Самарқандга йўл олди. Базан биттагина тарихий ёдгорлиқни қўриб келиш учун қўнлар, йиллар оша сафарга чиқиб керак бўлади. Лекин бизнинг дивримишда... Айни шу кўннинг узида қўйиб ҳали чоғоҳга қутарилмасдан, саёхатчи аёллар миллатимизнинг улуғ бобокало-ни Амир Темур ҳазратлари мақбараларини зиёрат қилаётган эдилар. Уч тарафда уч маҳобатли обида Улғубек мадрасаси, Шердор ҳамда Тиллақори мадрасалари мовий осмон кенгликлариди виқор билан юксалган майдонда дилларнинг ҳайрати яна неча бор улканлашди.

— Оққан дарё оқади, — деб сўзини бошлади ўқитувчи Зироатхон Абдуллаева. — Қонимизда, руҳимизда мана шундай улкан иншоотлар қўрган боболарнинг нафаси, орзу-

умидлари бор. Бизнинг тарихимизни билмоқчи бўлганлар ҳам, келажакимизни тасаввур этмоқчи бўлганлар ҳам мана шу салобатни, салоҳиятни қўрсинлар. Менга илк бора Самарқанд зиёрати насиб этди, ҳис-туйғуларимни сузда ифодалаб беролмаيمان. Дилимга бир яхши ниятни тўғиб қўйдим. Насиб этса, ўқувчилар билан бирга саёхатга, зиёратга келамиз.

Бу кўн пешинга етмасидан аввалги таассуротлардан бири эди. Тўшдан сўнг аёллар Шоҳи зинда мақбара-мажмуасини қўрдилар. Зиёратчилар тарихий воқеалар ҳақидаги маълумотларни жону диллари билан тингладилар. Қўн-гиллар мионатдорлик, шукроналик тўйгулари билан тулиб борарди. Лекин бу ҳам ҳаммаси эмас, ҳали олдинда, яъни сафар якунида ҳадисшунослар алломаси Имом ал-Бухорий мақбараларининг зиёрати туради.

... Муъжаз бир гузал шаҳар, муъжаз бир сирли, Аллоҳ назари тушган олам — Имом ал-Бухорий мақбаралари. Республикаимизнинг энг моҳир, санъатлари беназир усталари яқиндагина таъмирдан чиқарган бу мажмуа деворлари. Пештоқларига туширилган ҳар чизги, нақша улкан меҳр-муҳаббат яширингандай. Гарчанд, улуғ алломанинг 1220 йиллик тўй-маъракалари расман нишонланган кўн яқинда ўтган бўлса-да, бу муборок масканда ҳамон байрам руҳи ҳукмрон, зиёратчилар беҳисоб. Зеро, толеига ана шундай улуғ зотлар битган халқ улар билан ҳар дам фахрланмишга ҳақли, худди мана шу фахр аждодларга муносиб авлод бўлмоқ масъулиятини ўлғайтиради. Бизнинг она-сингилларимиз ҳам узларини ушбу таъналарда иштирок этгандай ҳис қилдилар.

«Бир қўнгилин оёбод қилмоқ, Маккаи муқаррамини зиёрат қилмоқдан, аёлроқдир», — деган ҳикмат бор. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган бу саёхат қирқдан ортиқ юртдошларимизнинг қўнгили қўзларини равшанлаштирди, дилларида унутилмас хотира бўлиб қолди.

М. УЛУҒОВА



Азиз отажоним
Умаров Нардобой!

Сизни таваллуд айёмингиз билан кутлайман, узоқ умр, соғ-саломатлик тилайман.

Қизингиз Хуснида

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Азиз Шокиржон Умаршоеви Қўрғон! 11 ноябр кутлуг 25 ёшга қирганингиз билан кутлаймиз. Узоқ умр, соғлиқ, келгуси ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз. Онамиз Санталатхон, рафиқангиз Мунира, қизингиз Нилуфархон, укангиз Жасурбек

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Қадри
Раҳимжон ака!
Таваллуд айёмингиз муборак. Сизга узоқ умр, соғлиқ ва оилавий бахт тилайман.
Афсус, нетай севгилим, Қалбингизга боғландим. Қалбингизнинг турига ўчмас бўлиб жойландим.

Муҳтарам

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Отажонимиз Мифроржоннинг туғилган кунини! Табарук 50 ёшингизга кутлаймиз! Бахтингизга узоқ умр кўриб, доимо соғ-саломат қўлингизда бўлинг! Фарзандларингиз — Бурхонжон, Илхомжон, Шахнозахон, Лобархон



Шоҳим! 60-ёшингиз муборак бўлсин! Аллоҳ йўлингизни яхши, умрингизни боқий қилсин. Шозим, Гулшан, Тўлқин, Арофат, Шораҳим, Сайера.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ЯХШИЛАР КЎП ЭКАН ДУНЁДА

Мен раҳматли онамдан мерос бўлиб қолган хароба бир уйда яшардим. Турмуш уртотим иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келмади. Авл бошим билан олти фарзандни ёлғизқул тарбиялаб эл-юрт қаторига қўшдим. Иккита фарзандимнинг умри қисқа экан. Қолганлари ҳаёт. Бир этак неварачевараларим бор. Бугунги шуқуҳли кунларимдан нолимайман. Турмушимиз тобора фаровонлашиб бораёпти. Юртбошимиз уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ғамхўрлик қўрсатмоқда.

Бироқ иссиқ жон иситмасиз бўлмас экан. Яқинда оғир бир касалликни бошдан кечирдим. Ошқозон-ичак касаллиги бўйича операция бўлди. Устига устак бир кузим ҳам қурмай қолди. Инсоннинг бошига оғир кунлар тушганда энг аввало эл-юрт асқотаркан. Халқимиз «қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деган нақлни бежиз айтмаганимга ўз ҳаётим мисолида иқдор бўлдим.

Оилавий аҳволимнинг оғирлигини билдириб, Қибрай тумани ҳокимлигига ёзма равишда ёрдам сураб мушоаат қилдим. Туман ҳокимлиги томонидан тузилган махсус комиссия келиб менинг шарт-шароитим билан яқиндан танишди-лар. Ва ҳашар йўли билан янги уй қўриб беришди. Бундан ташқари туман хотин-қизлар кумитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам менга беминнат ёрдам қўрсатиб келишмоқда. Бир сўз билан айтганда бу дунёда яхши инсонлар кўп экан. Уларнинг меҳр-муруввати туфайли ҳаётим изига тушиб кетди.

Фурсатдан фойдаланиб, менга саховат қўрсатган барча кишиларга узимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Илоҳим, яхшиларни тилагига йулдош қилгин.

Гулсимой ИРГАШЕВА

Туш таъбирномаси

ОК ИЛОН — ОЗОДЛИК

Гирмон урушининг охири эди, дея эслайди саксон ёшли энам Бувишой Бурбой қизи. Раҳматли отанг Сталин колхозига раис эди. Жавзода қаттиқ дул ёғиб, 26 гектар ернинг бугдойини уриб кетиб, ҳосили битмади. Жойига куз тиккан ғанимлар «раис бугдойни еб юборди», деб отангни олти йилга қаматди. Орадан кўп ўтмай «Турмада улибди», деган хабар келди. Бировлар, энди утирасанми, уй қил деб ҳам ақл бўлишди. Катта энанг (қайнонам демокчи, шева) бечора қол ҳам, кет ҳам деярлик, мунгайиб термулади. Эна, ўлгингиз ернинг остида қувраса, майли мен устида қурайман, уй қилмайман, деб юравердим. Бир ёғи очарчилик. Ҳар кун қон-қон йиғлаймиз. Шундай кунларда бир туш кўрдим. Дарё олдидаги бўлоққа сувга борибман. Чопонимни ечиб қўйган эканман, мис қузни сувга тулдириб, яна чопонимни киймоқчи бўлиб кутарсам, устида иккита оппоқ илон ётганмиш. Бири кичикроқ, бири хийла узун. Илонлар ортимдан уйғача судралиб келибди. Ошхонага суви қўяётсам, ҳалиги илонларнинг аввал кичиги, сўнгра узунни отанг ётадиган уйга кириб кетибди. Мен яна сувга тушайтсам, илонлар ҳам изма-из келишиб, бўлоққа тушиб кетибди. Илкис қузимни очсам, тонг энди бузара бошлаган экан. Юз-қулимни ювдим-да, туқсон ёшли Ерибой отамнинг олдида бордим. Худо раҳмати катта отамнинг қузулари ожиз эди, ожиз бўлсаям, қузи очкилардан яхши қўради. Отамга тушимни гапириб бердим. Қайси маҳал қўри-

нг, субҳи содиқдами, субҳи қозибдами, дедилар отам. Тонг маҳали ота, кейин ухламадими, — дедим.

— Унда тайёргарлигини қўравер, оқ тонгдами оқ илон — хушбаҳдлик. Худо хоҳласа, уч кунда бир хабар, кейин 21 кундан сўнг яна бир ёруғлик. Бор энди кўп йиғлайверма, кампирга, болаларга яхши қара, — дедилар. Уч кун ўтиб, раҳматли кичкина аммангнинг эри дарвозамиздан отилиб кирди: «Суюнчи тайёрланг, Имоммурод ака тирик экан. Каттақўрғонда. Ўзим қўриб, гаплашдим. Тез кунда бора-ман, деди!» Бурчақда қайғудан бир бурдагина бўлиб ўтирган шўрлик энам қўлида тасбеҳини ушлаган қўйи хушидан кетди. Ҳаҳ, оқ Илон бахт экан, тахт экан, болам, ролпа-роса йигирма бир кундан сўнг отанг ўзи осмондай бўлиб кириб келди! Тамом оқланибди! Уйимизни тумонат одам босиб: биров қўй етаклаган, биров ун орқалаган. Мана ўқиб қўргин.

Энам бундан эллик икки йил аввал 1946 йилнинг кузида «... Судланмаган ҳисоблансин!» — сузулари битилган Оқлов қозонини улугъ муъжизани тутгандай қўшқўлаб узатиб, яна шундай эҳтиром билан авайлабгина халтадаги «отамнинг қозонлари»га қўшиб қўяди.

... Муҳаббат, кунгилнинг устуни булғанларинг ёлгон, бу устун аслида наҳс, хиёнат йўламаган оқ Илон — оппоқ Садоқатдир.

Саъдина

БОБОМУРОВОДА

С. Раҳимов туманидаги 7 хона, 4,5 сотих ери, боғ, гаражи бор ҳовли

СОТИЛАДИ:

Манзил: Чўқурсой, 208-уй. Мулжал: Шумилов станцияси. Тел: 185-85-44

«ОИЛА-523»

26 ёшли, уйланмаган йигит тошкентлик ёки шу вилоятдан бўлган пок, зийёли, рўзгор ишларига ўқувли, табиий гузал ва 22 ёшгача бўлган (турмушга чиқмаган) қиз билан танишишни истади.

МАСЛАҲАТХОНА

БУРУН ҚОНАГАНДА

Оқшом пайти қўшимизнинг набираси ҳовлиқиб келиб: «Тез ёрдам»га телефон қилиб берсангиз, бувимнинг бурнидан тўхтовсиз қон келяпти, — деди. Мен унга: — Аниқ бурнилариданми? — десам. «Ҳа», — деди. Ундай бўлса «Тез ёрдам»нинг кераги йўқ деб, қўшимизникига қидим. Саксон ёшларга бориб қолган Робия аянинг атрофида келин-уғиллари парвона, онахон эса бир ҳолатда ётар эдилар. Қарасам, онахоннинг унг бурнуларидан қон келаятган экан. Мен онахоннинг чап қўллариданги бош бармоқни таг қисмидан сиқиброқ ушлаганимдан сўнг қон тўхтади. Онахоннинг чехралари еришиб: — Болам, сени дўхтирлигини шу пайтгача билмас эканман, — дедилар.

Атрофдагилар ҳам менга ажабланиб қарашди. Шунда мен ҳазиллашиб: — Дўхтир бўлганимда ҳозир онахонга битта укол қилиб, касалхонага олиб кетган бўлар эдим, деб бир воқеани сузлаб бердим.

Бир маъракага борганимда қаршимда ўтирган отахоннинг бурнулари тўсатдан қонаб кетди. Биз атрофдагилар отахонга ёрдам бериш учун бирин-кетин урнимиздан қўзғалаётганимизда у киши: — Бевозта бўлманглр, биронтангиз чўнтагимдаги румолчани олиб берсангиз бас, — дедилар. Сўнг аввал чап қўллариданги бош бармоқни сиқиб қўриб, «Буниси эмас экан», — деб унг қўллариданги бош бармоқни румолча билан сиқиб урадилар. Шу зум қон ҳам тўхтади.

— Мабодро буринглр қонагудек бўлса, унг томондагисининг томири чап қўлнинг бош бармоғида, чап томондагисининг томири унг қўл бош бармоғида бўлади. Ўша томирни бир оз румолчадами ёки қўлдами сиқиб турилса бурнинг қонаши тўхтади. Буни ҳамма билиб олиши керак, — деган эдилар отахон.

Ушандан сўнг шу тажрибани ўзим синаб қўрмоқчи бўлдим. Нима қилиш керак? Бировни уриб бурнини қонатиб бўлмаса, ўзимни бурнимни қонатиб десам, жон ширин бўлса. Охири уйлаб-уйлаб бир коса шотут (қизил тут) едимда, офтобда юрган эдим, кечки пайт бурним қонади. Уни қўриб фарзандларим бироз саросимага тушишди. Мен эса: — «Ҳозир тузатамиз», — деб чап бармоғимни сиққан эдим, бурунбой қони тақа-тақ тўхтади. Ҳаётда кимларнинг мурт бурни қонамаган дейсиз. Бурун қонаганда хотиржам бўлиб, юқоридаги усулдан фойдалансангиз, олам гулистон.

Саид АБЗАЛ

Ибн Сино сабоқлари

ОЛХЎРИ

Олхўри танасидаги елим яраларни битиради.

Олхўрини япроғини қайнатиб оғиз чайилса, безларга қарши даво бўлади.

Олхўрининг елими кўз атрофига суртилса, кўзни қувватли қилади.

Олхўрининг меваси кукракдаги оғрикларни қолдиради.

Олхўри дарахти елими қовуқ атрофига суртилса қовуқдаги тошларни майдалайди.

Олхўрини сиқиб олинган суви ичилса ҳайз қонини юриштиради.

Олхўрининг ширин хил сафрони қаттиқроқ суради.

Олхўрининг яхши етилгани ични қотиради.

Ҳар қандай олхўри таомдан олдин ейилса, соғлиқ учун фойда бўлади.

Саидмурод
САИДУХАММАД
тайёрлади



Танқиддан сўнг ЧОРА- ТАДБИРЛАР КУРИПАЯПТИ

Газетамизнинг 29 сентябрдаги сониди Нусрат Раҳматнинг «Ҳамма озор чекиши шартми?» мақоласи чоп этилган эди. Унда Самарқанд ва Ургут туманларидан утган йилнинг октябридан бошлаб бутун қиш давомида табиий газ бўлмаганлиги, аҳоли совуқдан азият чекканлиги қаламга олинган эди.

Мақола муаллифи Ўзбекистон Коммунал хизмат курсатиш вазири В. К. Михайловга: — «Айтинг, нега бундай хунук ҳол руй берди? Наҳотки бу йил тагин такрорланса у?» — дея ҳақли савол берганди.

Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат курсатиш вазири В. К. Михайлов редакцияга қуйидагича жавоб йўлади.

1997-1998 йилларнинг қиш мавсумида «Ўзаклийтгаз» Давлат бирлашмаси томонидан Самарқанд, Тойлоқ, Ургут туманларини табиий газ билан таъминлашни қоникқари бўлмади. Бунинг асосий сабаби авария эси бергани натижасида Тойлоқ ГРСси ва Самарқанд ГРСларидан шартномага биноан 12 атмосфера ўрнига 3,2—3,5 атмосфера босимда газ узатиб турилди.

Самарқанд туман газ идораси ва маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирокида газ бўлмаганлиги тўғрисида ақтлар тузилиб қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Тожикистон Республикаси Панжакент туманида ҳам табиий газ етишмовчилиги сезилиб турди.

Ҳозирги кунда «Ўзаклийтгаз» Давлат бирлашмаси ва Самарқандгаз» вилот бошқармаси Самарқанд тумани аҳолисини табиий газ билан узлуқсиз таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

Лекин уша танқидий мақолада Ургут туманида ҳам газ билан таъминлашнининг ёмон аҳволдалиги қаламга олинганлиги. Жавоб хатида ушбу туман борасида фикр билдирилмади. Қиш-кировли кунлар яқинлашиб келяпти. Республикамизнинг барча жойларида газ таъминотида узилш бўлмади, деб умид қилиб қоламиз.

ЭРКАКЛАРИМИЗГА ЎЗИМИЗДА ҲАМ ИШ ТОПИЛАДИ-КУ!

...Яқинда ҳужайиним билан қишлоқда яшайтган қайинсинглим Ҳабибахонниқига бордик. Уларни узлари ижарага олган тоқзордан топдик. Уюм қилиб йиғилаётган узумлар устига қайинсинглим ўз эгачилари билан челақ-челақ терилган узумни тўкишайтган экан. Бизни қудабобони ўзи қарши олди.

— Қариганингдан кейин куч-қувватинг ҳам ўзига яраша бўлиб қоларкан. Қуввингиз Нодир ҳам Россиядан кела қолсайди. Мана эртанин кетганига роппа-росса 2 йил бўлади. Кетма десак ҳам кунмади. У ёқдан яхши даромад қилиб келса бўлармиш. Мана бу ишлар, уйдаги ҳамма юмушлар, мол-ҳол хотин-халаж буйида. Хабарингиз бор, тирикчиликни деб озроқ ер ҳам олгандик. Анча картошка, пивз, нухот, мош қилиб олдик. Қанийди, ортганини бозорга олиб борсак. Келин-қизларга бозор (шаҳар) бир қадам узоқлик қилади. Ўзлари шундоғам чарчаб қолишяпти. Хали визаводга жунатиш учун шунча узумни тележкага ортиб бориш керак.

Мол-қўйлар ҳам анча. Уларга ҳам яхшилаб қаралса фойда бўлади. Нодир олдимда булганида анча оғиримни енгил қилармиди. Уни келиб қолар-ку, деб йўлига қараб неваралар туйини ҳам бош-лоллаш утирибман.

— Ҳа, болагинамни соғиндим, — дея сўз бошлади қузига ёш олиб қуда момо. — Иккита боласини бошига соғ-омон етиб келсин илов. Мироқили қуввинининг ҳам кетганига 3 йил бўлди. Халиги Саодат бору, Неъмат журан-

ғизни қизи, — дея бобога қараб олди, момо. — Ана шунинг эри кетганига 6 йил бўлувди. Мана яқинда 2 та урис бачаларини эргаштириб кириб келди. Ҳа нимамиш уша ёқда асраб олганмиш». Саодатни шури курсин, узиники етмагандай эри икковини ташлади-ю, тирикчиликни баҳона қилиб яна Россияга кетди...

Машинада қайтйапмиз, йўл-йўлак узоқ-узоқларгача ястаниб ётган,

Фикр

ҳосили гарқ пишган бог-роғлар, узумзорлар, полизлар, пахтазору жўхоризорлар кўз унгимизда липиллаб ўтиб борар ва яна ҳаёлимиз оталари Россияга ишлашга кетиб қолган мен билган оилалар тортарди.

...Битта «дом»да — бизга қўшни булган Ҳидоят опа 6 боласини отасиз бир ярим йилдан бери эллаб утирибди. Эри кетганида эгизаклари энди туғилган эди. Болаларини касал бўлишию. богча-мактаби, рўзгорнинг битмайдиган бозор-учари, кундалиқ уй юмушлари аёлни жуда чарчатиб қўйган. Ҳар замонда «Пулдан қийналиб қоляпмиз, болаларга оладиган нафақа ҳеч нарса бўлмайди», — деб нолиш қилиб қоладилар.

Маҳалладаги Лутфулла ака беш боласини устига Россиядан урис хотинни эргаштириб келиб утирибди. Яна уни йўлига интизор бўлиб тоғ оттирган хотинининг норози булганига қарата «Чидасанг индама, бўлмаса шу билан кетиб Россиядан

қайтиб келмайман», — деб қўрқитгани-чи...

Уйлаб туриб ўзимга ўзим савол бераман: «Нима бизнинг эркакларга ўзимизда даромад келтирадиган ишлар оғми? Саховатли еримиздан, чорвамиздан, қўлларидан ҳунарларидан қанчалар даромад олиш мумкин-ку! Аввалоси оилада янада муҳимроқ юмуш — бола тарбияси ҳам бор-ку! Рўзгорнинг юки фақат аёл зиммасига тушиб қолса жуда оғирлик қилади. Оилада отанинг кундалиқ ўрни-чи? Бундан ҳам баттарроғи унлаб оилалар бузилиб кетишига сабаб бўлаётган айрим воқеалар-чи? «Сен йўгингда хотининг палон билан юрди, энди уни хотин қиласанми?!» — деган игволар ё бўлмаса — «Эринг у ёқда ҳар хил бўлмағур хотинлар билан юрди, эҳтиёт бул, касалланиб қолган», — деб айтилган танбхлар оқибатида ахрашиб кетайтган оилалар ҳам бор.

Ҳаммаси қўз олдимдан бир-бир утади-ю, пул учун иссиқ жонидан ота-онаси, оиласи бағридан узоқларга кетиб қолаётган эркакларимизга қарата — «Ўз уйингизга қайтинглар оталар. Болаларингизга бош бўлинг, уларга меҳр-муҳаббатингизни бахш этинг, тарбиялаб воғага етказинг. Оилангизга совуқчилик тушмасин. Пул топиш учун ўзимизда ҳам имкону иш тикилиб ётибди-ку!» — дегим келади...

Ғулиноз РАҲМАТОВА,
Шахрисабз қишлоқ ҳўжалиги
коллежи ўқитувчиси

Мен бу мактубимни «Оила ва жамият» газетасининг барча ўқувчиларига қарата ёзаяпман. Бир оғиз маслаҳатларига муҳтожман.

Менинг дадам ўзлари тинчлик посбони була туриб оиламизда тинчлик ўрната олмадилар. Ҳар хил миш-миш гаплар туфайли бизлар тирик етим бўлдик. Мана уч йилдики биз оғим қарамогиде ашаймиз. Дадам эса аллақачон бошқа бировга ўйла-ниб олдилар. Бу дунёда бизни гуноҳимиз нимада экан? Оғим турт йил қийналиб оила тебратиб дадамни Тошкентда — Олий мактабда ўқитдилар. Эскилар билиб айтар экан, одамнинг пули қўпайса Онасини ҳам унутди деб. Биз ҳам шундай бўлдик. Дадам туфайли куп қийинчиликларга гирифтор бўлдик. Дадам эса ўқиниш тугатиб автомобил назоратчиси бўлиб иш-ляяптилар. Катта ойлик оладилар, шекилли дарҳол узғариб қолдилар. Уйимизда ҳар кун жанжал бўлиб қолди. Ҳар жанжалда бибим хотининини ҳайда, ман санга яна битта қиз олиб бераман. Хотин йўлда, бола белда — деган гапларни айтар эдилар. Мана оқибат, тирик етимлар қаторидан

жой олдик. Мен дадамни жуда яхши кўрар эдим. Ойимдан яшириб унга телефон қилиб турар эдим. Мен яқинда Тошкентда жигаримдан операция бўлдим. Касалхонага кетмасидан олдин оғимга билдирмай дадамга телефон қилдим. Операция бўлишимни айтдим. Бекор қилган эканман. Дадамдан дарак бўлмади. Уни кунда кута-кута операцияга кирдим. Мени қўли узун

деразадан қараб кутиб ўтирдим. Бирон милиционерни курсам дадамми, деб тикилиб қолардим. Бу орада аҳволим қайтадан оғирлашди. Холам бечора мени ўлади деб ўйлаб дадамнинг ишхоналарига телефон қилибди. «Шавкатжонга айтинглар, қизи Наргизанинг аҳволи оғир, дадасини сўраяпти», — дебди. Шунда ҳам дадам мени бир маро-

фарзанд бердийкин? Дадан ҳали яна фарзандли бўлиб, уни мактаб ёшига етказганларича худо хоҳласа, ойижоним бизни уй-жойли қилиб набиралик ҳам булар эканлар. Ҳозир мен ун уч ёшдаман. Укам Маъруфжон ун икки ёшда.

Мен касалхонада ётган чоғида ўзимнинг юрак дардларимни баён этиб бир шеър ёзганман. Шеърим

Дил изҳори

дим. Энди маслаҳат бери-нлар, нима қилсам да-дамнинг юрагиде бизга нисбатан меҳр-шафқат уйғота оламан? Жавобларингизни газета орқали интизорлик билан кутиб қоламан.

Мен шеърлар ёзаман. Улардан бирини газетда чикрасангиз, бошим қукка етарди. Шоядки, дадам уни ўқиб бизни эсласалар, деб умид қиламан:

ОЙИЖОНИМ

Ҳаётимни гулдирсиз,
Богимдаги булбулмисиз,
Юрагимни қондирсиз,
Меҳрибоним ойижоним.

Йўлларимга кўз тутасиз,
Касал бўлма, болам

Қайда қолдинг болам
Азизгинам ойижоним.

Худойимдан умр сўрай,
Соғлиқ билан тинчлик

Сизга эса жоним берай,
Меҳрибоним ойижоним.

Етим бўлди болам дея,
Бизни домд ўйладингиз,
Меҳнат қилиб кеча-кундуз,
Тиним сира билмадингиз,
Азизгинам ойижоним.

Наргиза
СОҲИБНАЗАРОВА,
Бухоро вилоти,
Шофиркон тумани.

ДАДАЖОНИМ МЕҲРИГА ЗОРМАН...

дўхтирларимиз уч соату 45 минутдан кейин ойимнинг куллариға топширган. Кузимни очганимда ойижоним йиғлаб, сочларимни силаб, юзларимдан ўпиб ўтирар эдилар. Мен кузимни очди-му беихтиёр дадамни сўра-дим. Ойим бечора нима дейишни билмай йиғлаб юбордилар. Яна мени юпат-моқчи бўлиб, болагинам се-нинг бу ердалигингни дада-нг билмайди-ку, — дедилар. Бечора ойим менинг теле-фон қилганимдан беҳабар эдилар. Мен касалхонада 42 кун даволандим. Лекин да-дам келмадилар. Ҳар кун

таба ҳам келиб кўрмадилар. Тузалганимдан сўнг ойим мени яна она шахрим Бухорога олиб келди. Мана, ҳозир аҳволим яхши бўлиб қолди. Хали-хали «Кузларим йўлингизда дадажон», — деб йиғлайман. Лекин да-дамнинг келмасликларини биламан. Укам-ку етимликка қуниқиб қолди. Лекин мен дадасининг ёнида эркала-ниб юрган дўгоналаримни курсам ҳавасим келади. Бу дунёда фарзандга зор бўлиб юрганлар куп-ку, нима учун оллоҳим шуларга фар-занд бермайди, дадамдек бағритош кишиларга нега

барибир шоирларимизники-дек маъноли бўлмаса ҳам ойижонимнинг биз учун қийналиб яшайтганликларини қўриб ёзганман. Ҳозир тоғамнинг уйларида яшай-миз. Ойим бечора кеча-кун-дуз биз учун меҳнат қиладилар. Уч йилдан бери жуда қийналиб кетдилар. Бир ўз-ларини ишлаганлари рўзгордан ортмайдилар. Ойи-жонимнинг қийналганларини қўриб баъзида йиғлаб-йи-глаб оламан. Ўз уй-жойимиз ҳам йўқ. Сотиб олишга эса пулимиз йўқ. Нима қилиши-мизни билмаймиз. Мана сизларга ҳамма гапни айт-

ҚАРИ БИЛГАНИНИ... ЁКИ ТИЛЛО СОАТ

Тошкентда ўқиб юрган талабалик йилларим эди. Ўзги таътилда она шахрим Яққабга оиламиз бағрига қайтдим.

Кунларнинг бирида қоқ пешинда дам олмоқчи бўлиб, тинчроқ жойни кузлаб меҳмонхонага кирдим. Таҳмондан курпача олиб, тушадим-да, кулимдаги соатимни ечиб бош томонимга қўйдим-да, уринга чўздим. Икки соатлар чамаси маъза қилиб ўлабман, тиниқиб уриндан турдим. Уст-бошимни тўғрилаб, ташқарига чиқиб ниятида соатимни тақмоқчи бўлдим-у, ҳайрон қолдим. Соатим жойида йўқ эди.

Қизиқ, соатим қани, ким унга тегиши мумкин? Мен дам олаётган хонага уйдагилар кириб соатимни олиш нарғда турсин, ҳатто мўралаб ҳам қўйишга ботинмасди-ку?

Ховлига чиқдим ва менга йўлиққан оиламиз аъзоларидан соатимни сўрай бошладим. Ҳамма ҳайрон, ҳеч ким мен ётган уйга кирмаган, соатимни олмаган... Жўшмал чикди, бақариш бошладим: мен билмайман соатни топасизлар, ҳар ҳолда ўғри кирмагандир. (Ўқиш билан бўлиб беш-олти ойда уйга бир келганим учунми, соғиниб юрсалар керак-да онанинг менга меҳрлари булакча, ҳамма инжиқликларимни кутарар ва баъзан мен бундан яхшигина фойдаланардим). Бир пасда уйдагиларни ҳаммаси саросимага тушиб қолишди. Бувим, дадам, аям, укаларим ҳаммамиз олдинма-кетин мен ётган уйга кирдик.

— Соатингни қаерга ечгандинг, ўғлим? — сўрадилар Бувим.

— Мана бу ерга, — бош тарафимдан ярим метрлар чамаси нари бўлган, соатни ечган жойимни курсатдим. Бувим соат ечилган жойга бир разм солдилар-да, ўзларича нима-ларнидир шивирлаб уйнинг турт бурчагига ҳам бир-бир бориб келдилар. Негадир ун тарф бурчакни курсатиб, шу ерни полини кўпора-

сизлар, — деб туриб олдилар.

Дадам иккаламиз бир-биримизга маъноли қарадик. Бувим эса нега турибсизлар тез болта олиб келмайсизларми, деб сузларида қатъий турардилар.

Дадам болта билан курсатилган жой тахтасини кўпордилар. Тахта тағдида худди биров атайлаб қилгандек уюм-уюм тупроқлар тудаланиб ётарди. Уша тупроқлар орасида ялтираган нарсанинг учи кўриниб турарди. Юрагим ҳовлиқиб кетди, дарҳол кулимни чўздим, олиб қарасам ўзимнинг қадрдон соатим. Азиз нарсамни топиб олгандек хурсанд бўлиб кетдим, бўвижонимни кучоқлаб, упиб миннатдорчилик билдирдим. Бувимнинг айтишича бу сичқоннинг иши бўлиб, у ялтироқ нарсаларга жуда ўч бўларкан ва имкон топди дегунча уларни судраб кетиб ўз уясида сақларкан.

Ушанда Бувим мени уйдагилар олдида анча ҳижолатдан кўтқарган, ёти ухлаб тушимга ҳам кирмайдиган ҳодисани «ўйлаб» топгандилар.

Уша воқеа сабаб бўлиб мен ҳикматли бўвижонимни аввалгидан ҳам яхши кўриб кетдим. Умуман ёши улуг, донишманд қарияларга қандайдир яқинлашдим. Қаерда бўлмасин — иш жойида, тўй хашамда, уларни кўнглига йўл топиб суҳбатини олишга ҳаракат қиламан ва бундан мен ҳеч қачон кам бўлганим йўқ. Аксинча улар билан қилган бирпаслик суҳбатимда олган маъно-мазмунга баъзан бир нечта китоб ўқиб ҳам эга бўлолмаслигим мумкинлигини тушунадим.

Шу баҳона сизларга ҳам қари буви-буважонларингиз хузурига шошилиб, улар билан диллашинг, улардан ўрганганларингизни ҳаётингизга дастуриламол қилинг-ки, шубҳа йўқки ютқазмайсиз, дегим келади.

Нафиса Райим қизи



Бу қизлар «Оила ва жамият» газетасига обуна бўлишди, Сизлар-чи?

ХАНДАЛАР

Биринчи синфда ўқийдиган Дониёр Алишердан қарзга 5 сўм сўрабди.

— Менда уч сўмгина бор, — дебди Алишер.

— Майли, борини беравер! Менга яна икки сўм қарз бўласан, — деди Дониёр.

Ўқитувчи Зокирга шундай савол берибди:

— Ойинг боғдан унта олма олиб чиқди. Учтасини ўзи олди, қолганини сенга берди. Ойинг сенга нечта олма берган бўлади? Зокир қолларини чимирди дебди:

— Ҳеч қачон ойм менга шунча олма бермайдилар.

Ўқитувчи жилмайибди-да, саволини бошқача қилиб берибди:

— Боғдан сен олма олиб чиқдинг. Учтасини ўзингга қолдириб, қолганини ойингга бердинг. Ойингга нечта олма берган бўласан?

— Мен ҳам оймга шунча олма бермаيمان, — дебди Зокир.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади

(Боши утган сонларда)

— Қабристонни бузиб, текислаб ташлаб керак, вассалом! — деди Сатторов «тамом» дегандек қафтини столга уриб ва ҳеч кимга қарамасликка ҳаракат қилиб совуққина оҳангда давом этди. — Аввало, бу ишининг нима мақсада амалга оширилётганини унутмаслик, бунини оми халққа тушунтириш керак, жаноблар!

— Тўғри! — уни маъқуллади кимдир.

— Бизга шундай буйруқ берилган, — мамнун кивфада давом этди ва маҳалла оқсоқоли, собиқ ҳарбийга маъноли қараб қўйди. — Бунинг сиз...

именно сиз, Тошпўлат ака, яхши билишингиз керак! Яъни, буйруқ муҳома қилинмайди, балки бажарилади!

— Буйруқ чиқаришдан аввал бундоқ уйлаб қуриш керак-да, — норози оҳангда тўнгиллади маҳалла оқсоқоли лаблари тиртаб.

— Нимани уйлаб қуради? Кимни айбломқчи бўляпсиз? Шаҳар ҳокимиятининг? Унутманг акаҳон, у ерда сиздан-биздан кура ақлироқ одамлар туришибди. Нима қилватганларини жуда яхши билишди.

— Илтимос, қизишманлар! — унинг сузини бўлди Азизбеков ва яна Сатторовга имо қилди. — Марҳамат, давом этаверинг, Абдусамат!

— Бўлди, — кескин оҳангда деди Сатторов. — Ортиқча гапининг ҳоҳати

йўқ. Шу арзимаган гапни туман ҳоким кабинетига судраб келишга уялмайсизлар ҳам!

Шаҳар ободонлаштириш божқармасининг вакили Мадина Маҳмудовна томоғини қилиб, қўл кутарди.

— Марҳамат! — бош иргиди Азизбеков.

— Мен ҳам ўртоқ Сатторовнинг фикрларига қўшилиман, — деди Мадина Маҳмудовна қиройли лабларини қимтиб қўйиб. — Аввало вазиятни ҳисобга олиш керак. Қанақа замонда яшашимиз

узи? Мустақил Республика... Ислохот-

Бунинг устига уша сизнинг маҳаллангиз атрофиди хусусий ошхоналар, қабобхоналар очилган, ичкиликбозлик авжига минган. Бу, болаларимизнинг, келажакимизнинг тарбиясига қандай таъсир қуратишини уйлаб курсанглари яхши буларди. Маҳалла кўмитаси, мактаб, фаоллар, педагоглар қайққа қарашаяпти узи?

— Асосий масаладан чалғиманг, Мадина Маҳмудовна, илтимос! — унинг сузини бўлди Сатторов соатига ишора қилиб. — Шундоқ ҳам вақтимиз оз!

— Бўлди, айтадиган гапларим шу

расизу, ўртоқ муовин, — оқсоқол Сатторов тарафга ҳўмрайиб қўйди. — Сиз боя «оми халқ» дедингиз. Мен зурга чидаб утирдим. Яна бир марта кечирасизу, ана уша сиз айтган «оми» одамлар орасида профессор ҳам, ўқитувчи, духтирлар ҳам бор... Сал уйлаб гапириб керак, акаси!

Сатторов бош чайқаб, мийигида кулимсираб қўйди.

— Ўзинглар яхши биласизлар. Шаҳар марказида Учтепа деган мавзе бор. Болалигим уша ерда утгани учун яхши биламан. Уша ерда катта кучанинг уртасида ун-ун беш чоғлик қабрлар сақланиб қолган. Атрофини бетон деворлар билан ураб қўйишибди. Машина, автобуслар унинг икки тарафидан утиб юришади. Ҳўш, нега уша кичкинагина қабристон бузилмай шундай сақлаб қолинган? Сабоби...

— Бунинг худо билади, — деди Мадина Маҳмудовна.

— Бунинг сиз ҳам билиб қўйсангиз ёмон бўлмасди, синглим, — деди оқсоқол товуши тиртаб. — Сабаби қабристонларга қўл тегизилмайди. Уларни оёқ ости қилиб текислаб, устидан аспалт ётқизиб бўлмайди. Чунки, уша ерда ҳам худди сизу-бизга ўхшаган одамлар ётишибди... Билишмиша, уша қабристон текисланиб, йўл ўтказилаётган пайтда сон-санок сиз одам суякларини чиққан, уларни савомсаларга ортиб шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетишган экан.

(Давоми бор)

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият ва Ўйлонлар бўлими
34-86-91 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 20.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0424
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоиси эркин нархда.
Навбатчи Н. АННАЕВА.